# 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 11 январь • № 2 (919)

## ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОБОД ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

***Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 21 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиши давлатимиз тарихида муҳим воқеалардан бўлди. Давлат байроғи остида ҳаракат қиладиган армияга эга бўлиш ҳуқуқи мустақил мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бундай армия ўз зиммасига юкланган бурч ва мажбуриятни теран англайдиган, халқининг тарихи ҳамда анъаналарини қадрлайдиган шахслардан таркиб топади. Шу маънода мамлакатимизда ҳарбий таълим ва бўлажак Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш соҳасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди.***

Дарҳақиқат, бугунги замонавий, ихчам, тез ҳаракатлана оладиган профессионал армиямиз, мард ва жасур ҳарбийларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Миллий армиямиз мустақил Ватанимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигини, тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлайди, барқарор тараққиёт ва нурли истиқболимизнинг кафолати ҳамдир.



Таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларданоқ Қуролли Кучларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди, ушбу тизимни қонун йўли билан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастлабки қадам Бош Қомусимизнинг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи" деган модда билан қатъий белгилаб қўйилди. Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Қонунлар Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий-ташкилий тузилишини ўзида мужассам этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ушбу масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: "Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир".

Ўтган йиллар давомида мақсад қилиб олинган эзгу амаллар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги

(Давоми 2-бетда).



## ОНА ВАТАН – МУҚАДДАС МАСКАН!

**Она Ватан – муқаддас маскан,**
**Ватан Она каби улуғдир!**
**Унинг ишқи тилларда достон,**
**Инсон борки, бахти тўлуғдир!**

**Ватан – кучли ҳимоя билан,**
**Чин эътиқод, чин ғоя билан!**
**Ватан учун кўксини қалқон**
**Қилгувчи мард, чўнг қоя билан!**

**Элнинг асл дилбанд фарзанди**
**Ватан учун жонин берадир!**
**Сўзда эмас, чин ҳимояда**
**Қонни тўкиб, кўкрак керадир!**

**Ватан, қувон, сафда жанговар,**
**Жасур, марду майдонларинг бор!**
**Минг лашкарга битта ўзи тенг,**
**Чайир навкар, посбонларинг бор!**

**Сарҳадларинг дахлсиз, Ватан,**
**Осмонингда бир зоғ учолмас!**
**Гулла-яшна, хур Ўзбекистон,**
**Посбонинг бор сен-ла ҳамнафас!**

**Искандар РАҲМОН.**

## Эътироф

***Юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига мос Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса соҳада фаолият юритаётган ҳарбий шифокорларнинг касб малакасини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, янги тиббий технологияларни амалиётга жорий этиш борасидаги ишлар эътирофга сазовор бўлмоқда. Шу боис ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунида ҳарбийларимиз саломатлигига қайғурадиган шифокорлар ҳам бирдек эътибор ва рағбатга муносиб бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз.***

### *Дил изҳори*

## Бахтимизга омон бўлинг

Бир неча йилдирки, Наманган вилояти Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси тасаруфидаги хирургия бўлимида даволаниб келаман. Бу ерда бизлар учун барча зарурий шароитлар яратилган. Энг асосийси – тиббиёт ходимларининг самимий ва меҳрибонлиги беморлар дардига малҳам бўлиб, соғайиб кетишида катта ёрдам бермоқда. Тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг беминнат хизмати боис менинг ҳам саломатлигим тикланди, ҳозир ўзимни тетик сезаяпман.

Фурсатдан фойдаланиб, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Н. Қирғизбоев, Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори М. Қурбонов, хирургия бўлими бош врачи С. Машрапов, даволовчи-шифокор Б. Отамирзаев, ҳамширалар Ш. Ғаниева, М. Дадабоева, шунингдек, барча бўлим ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Ишларида ҳар доим зафар ёр бўлсин.

**Тошмуҳаммад ЎРАЗАЛИЕВ.**
**Наманган вилояти.**

*14 январь – Ватан ҳимоячилари куни*

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОБОД ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини қўриқлашга қодир, замонавий ҳарбий техника билан таъминланган профессионал армия вужудга келди. Қуролли Кучларни ислоҳ қилишга қаратилган Давлат дастури эса миллий армияни



шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимига ўтиш имконини берди. Шу боисдан ҳам ҳарбий хизмат муддати бир йил этиб белгиланди, сафарбарлик-чақирув захира хизмати жорий этилди ва бу жараёнлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ҳар қандай хавф-хатарга тайёр туриш учун қўшинлар моддий-техник негизини яхшилаш, уларни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, амалиётда халқаро тажриба усулларидан фойдаланиш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳарбий хизматга ишонч, айниқса ёшларимиз орасида ҳарбий касбларга қизиқиш янада ортди.



Президентимиз ташаббуси билан офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий хизматчиларни ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган самарали тизим уларга профессионал маҳоратини намойиш этиш, назарий ва амалий билимларини бойитиш, жанговар фаолиятини такомиллаштиришда кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Жумладан, Қуролли Кучлар академияси, шунингдек Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк, Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларидан соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, юқори интеллектуал салоҳиятли кичик командирлар етишиб чиқмоқда.

Дарҳақиқат, ҳарбий кадрларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишлари замон талаблари даражасида амалга оширилаётгани таҳсинга сазовордир. Қўшинларда шартнома асосида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар асосан уларни ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар борасидаги маҳоратини оширишга қаратилмоқда.

Миллий армияни шакллантиришдаги яна бир муҳим жиҳат ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шу маънода уларни уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасида давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ҳарбийларга қатор имконият ва имтиёзлар яратмоқда.

Президентимиз Қуролли Кучларнинг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб йўллаган байрам табригида кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилганлиги қайд этилган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юртларига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўси янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Миллий армиямизнинг юртимизда яшаётган аҳил-иноқ миллатларидан ташкил топган офицерлари, аскарларининг сарҳадларимизни мустаҳкам ҳимоялаш ҳамда осойишталикни таъминлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасида эл орасида уларнинг нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳарбийликни, Ватан ҳимоясини ўз касбига айлантирган ўғлонларимизнинг байрами мамлакатимизда кенг нишонланиши шу боисдандир. Ушбу сана арафасида йўлланадиган Президент табригида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниши баробарида бажарилиши лозим бўлган галдаги вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Зеро мамлакат чегарасини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун аввало ички мудофаа хизматини мустаҳкамлаш, миллий армиямиз ҳарбий тайёргарлик салоҳиятини ошириш, энг муҳими – халқимизнинг огоҳ ва сергак бўлишида катта масъулият бор. Атрофимизга назар ташласак, бугунги глобаллашув даврида кўпгина ривожланган мамлакатларда иқтисодий инқирознинг салбий таъсирлари тобора кучайиб бораётганини кузатамиз. Инсоният ҳаётига хавф солувчи халқаро терроризм, наркобизнес, турли оммавий таҳдид ва қуролли тўқнашувларнинг мавжудлиги бизни янада ҳушёрликка, ўз Ватанимизнинг ишончли ва кафолатли таянчи бўлишга ундайди.

Яхши маълумки, 2010 йил 12 январь куни пойтахтимизда Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва ғояси билан бунёд этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали тантанали очилди. Ушбу мажмуада халқимизнинг мард ва жасур ўғлони муқаддас байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, боболаримиз ётган азиз тупроқни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга тайёр эканлигини қасамёд қилган ҳолда тасвирланган. Унга ҳамоҳанг тарзда фарзандига оқ йўл тилаб, қўлларини дуога очган она сиймоси акс эттирилган. Ёдгорлик очилишига бағишланган тадбирда Юртбошимиз шундай дейди: "Чиндан ҳам, ўзининг мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ҳарбий ўғлонларни мен ўз фарзандларим, ўз болаларим деб биламан ва улар учун бутун борлиғимни беришга тайёрман". Бу сўзлардан руҳланган ҳар бир ватандошимиз, табиийки, қалбида юртга садоқат, ота-онага муҳаббат ва Юртбошимизга ҳурмат туйғуларини жо этади.





Албатта, юрт тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва профессионал армиямизнинг мустаҳкам ривожида, мудофаа салоҳияти юксалишида миллий қонунчилик, қолаверса, парламентнинг алоҳида ўрни бор. Ўтган қисқа давр ичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўплаб қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга жорий этилди. Шундан бўлса керак, мудофаа қудрати миллий қонунчилик асослари билан янада мустаҳкам ривож топмоқда. Жумладан, 2012 йил 11 сентябрь куни имзоланган "Ўзбекистон Республикаси "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонун қайд этилган мақсад ва вазифаларни тўла ифодалайди. Бешта моддадан иборат ушбу қонунда "Мардлик" ордени таъсис этилиши, тавсифини тасдиқлашга доир нормалар мустаҳкамланган. Қонун билан тасдиқланган тегишли Низомга мувофиқ «Мардлик» ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга бағишлаган, бунда мардлик ва жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Бир сўз билан айтганда, бундай юксак давлат мукофоти таъсис этилиши она тупроғимизни ҳимоялаш, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш, мустақиллигимизни кафолатлаш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз хизмат вазифалари ва бурчини аъло даражада бажаришга ундашда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 21 йиллиги арафасида амалга оширилган изчил ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, ҳар бир фуқаронинг кўнглидан мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, тинч ва осойишта ҳаётимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари кечиши табиийдир.

***Барчамизга маълумки, 2010 йил 12 январь куни Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва ғояси билан пойтахтимизда "Ватанга қасамёд" ҳайкали барпо этилди. Мазкур мажмуада халқимизнинг мард ва жасур ўғлони муқаддас байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, боболаримиз ётган азиз тупроқни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга тайёр эканлигини қасамёд қилган ҳолда тасвирланган. Унга ҳамоҳанг тарзда фарзандига оқ йўл тилаб, қўлларини дуога очган она сиймоси акс эттирилган. Мазкур ёдгорлик очилишига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда Юртбошимиз шундай дейди: "Чиндан ҳам, ўзининг мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ҳарбий ўғлонларни мен ўз фарзандларим, ўз болаларим деб биламан ва улар учун бутун борлиғимни беришга тайёрман". Бу сўзлардан руҳланган ҳар бир ватандошимиз, табиийки, қалбида юртга садоқат, ота-онага муҳаббат ва Юртбошимизга ҳурмат туйғуларини жо этади.***

**Тинчлик – бебаҳо неъмат, уни сақламоқ, авайламоқ ва бу йўлда жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Зеро осуда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, азиз болажонларимизнинг қувноқ кулгиси, ота-оналаримизнинг фаровон умр кечириши юртимиздаги барқарорлик туфайлидир.**

**Олим ЎСАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**
**Суратлар муаллифи Баҳром АБДУРАҲИМОВ.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

Имконият

# ҲАРБИЙ ТИББИЁТНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

***Янги йилнинг илк саҳифалари ҳам тарихга муҳрланаётган экан, шу ўринда, албатта, кўз ўнгимизда Мустаҳкам оила йилида қилинган ишлар кетма-кет гавдаланади. Дарҳақиқат, ўтган йил ҳам улкан ўзгаришлар, муҳим воқеалар ва янгиликларга бой бўлди. Жумладан, мустақиллик байрами арафасида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги «Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қуролли Кучларимизни профессионал даражада тайёрланган етук ҳарбий шифокорлар билан таъминлашга хизмат қиладиган ҳарбий-тиббиёт факультети иш бошлади.***

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, тиббиёт хизмати тизимида ҳарбий шифокор кадрлар тайёрловчи янги олий ҳарбий таълим муассасасининг очилиши офицер кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашдек улкан мақсад йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Интеллектуал салоҳиятга эга, она юртига садоқатли, қўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир бўлган, тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш, Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касбий тайёргарлиги даражасини мунтазам ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, махсус билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳарбий-тиббиёт факультетининг асосий вазифалари ҳисобланади. Бунинг асносида давр талабларига жавоб бера оладиган ўқув-моддий негиз бўлиши ҳам талаб этилади. Ҳукумат қарорида ушбу масала ечимини топган бўлиб, Мудофаа вазирлиги ҳарбий тиббиёт муассасалари, Тошкент тиббиёт академияси клиника ва кафедралари янги факультетнинг ўқув негизлари этиб белгиланди.

**МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГЛАР ЖАМОАСИ**

Миллий армиямиз учун малакали ҳарбий тиббий мутахассислар тайёрлаб бериш ўзига хос мураккаб жараёндир. Тинчлик ва уруш даврида қўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир бўлган тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини тайёрлаш учун кучли билим ва салоҳият эгаси бўлган педагоглар талаб этилади. Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан бу масала оқилона ҳал этилди. Бир неча йиллик тажрибага эга, дунёнинг ривожланган мамлакатлари илм масканларида ўз билим ва тажрибасини оширган ҳарбий шифокорлардан энг муносиблари ўқитувчиликка танлаб олинди. Захирадаги офицерлар таркибини тайёрлашга ихтисослашган Тошкент тиббиёт академияси ҳарбий кафедраси ўқитувчиларидан ҳам танлов асосида янги факультетнинг ўқитувчи-профессорлар таркиби тўлдирилди.

Қўшинларни тиббий таъминланишини ташкил этиш кафедраси бошлиғи, полковник Арзиқул Нуруллаев ўз мулоҳазаларини шундай баён қилади:

– Республикамизда ҳарбий шифокорларни тайёрлаш учун алоҳида олий таълим муассасаси бўлмаган. Бу эса Қуролли Кучларимизни малакали ҳарбий шифокорлар билан таъминлашда қийинчилик туғдирарди. Ҳарбий-тиббиёт факультетининг очилиши ўз-ўзидан бу муаммоларга чек қўйди. Шу ўринда педагоглар жамоаси ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Тиббий хизмат полковниклари Адҳам Қодиров, Вячеслав Хегай, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги, моҳир жарроҳ Шавкат Очиловларни етук мутахассислар сифатида кўпчилик яхши билади. Факультетда ҳарбий дала терапияси, ҳарбий гигиена ва эпидемиология кафедраларига раҳбарлик қилаётган бу инсонлар ўзлари каби фидойи, касб сир-асрорларини мукаммал эгаллаган мутахассислар тайёрлашига шубҳа йўқдир.

Ўқитувчилар жамоаси ҳақида сўз борганда, тиббий хизмат подполковниги, ҳарбий дала жарроҳлиги кафедраси бошлиғи Жаҳонгир Собиров номини ҳам алоҳида тилга олсак арзийди. Ж. Собиров бир неча йил давомида Санкт-Петербург ҳарбий-тиббиёт академиясида таҳсил олган. Тиббий хизмат подполковниги Бахтиёр Умрзоқов ҳам ушбу нуфузли олий даргоҳда ҳарбий эпидемиология йўналиши бўйича ўз тажрибасини оширган.

Бугунги таълим тизимини замонавий, инновацион педагогик технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидан майор Ҳасанбой Қосимов соҳа билимдони сифатида танлаб олинган. Бу ердаги фаолиятимиз ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Масъулиятни теран ҳис қилиб, мамлакатимиз Қуролли Кучларини малакали, ҳар томонлама етук ҳарбий шифокорлар билан таъминлашга бор куч ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда ҳаракат қиламиз.

**ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАР**

Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодлар юзлаб талабалар орасидан жиддий ва мураккаб танловлар асосида танлаб олинган. Эътиборли жиҳати шундаки, танлов жараёнида ёшларимизда шарафли касбга бўлган меҳр-муҳаббат кучли эканлиги яққол намоён бўлди.

– Факультетга, дарҳақиқат, олий тиббий таълим муассасаларининг даволаш иши йўналиши бўйича бешинчи босқичини тамомлаган, ҳар томонлама соғлом, бақувват талабалар махсус танлов асосида олинди, – дейди тиббий хизмат подполковниги, ҳарбий шифокорларни тайёрлаш курси бошлиғи Қаҳрамон Ўринов. – Курсантлар билан ишлаш қизиқарли ва масъулиятли. Билим доиралари кенглиги улардан келажакда етук мутахассислар чиқишини билдириб турибди. Улар ҳарбий-тиббиёт факультетининг истеъдодли илк қалдирғочлари ҳисобланади.

Устоз-офицерлнинг мулоҳазалари, ишончи ўринли эканлигига курсантлар билан суҳбат жараёнида ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

**"ДЎХТИР" ТАЛАБА**

Курсант Жаҳонгир Болтабоев Андижон Давлат тиббиёт институтидан қабул қилинган. Давримизнинг пешқадам ёшлари деганда, уни кўз олдимизга келтирсак арзийди.

Ж. Болтабоев Чортоқ туманининг Мучун қишлоғида туғилиб ўсган. Бир воқеа туфайли қишлоқдошлари уни қўли енгил шифокор деб тан олишди. Ҳали яна уч йил ўқиши керак бўлган талабани-я, деб ажабланишингиз табиий. Келинг, воқеани қисқача баён қилиб бера қолайлик.

Андижонда ўқиб юрган кезлари Жаҳонгир дам олиш кунларини қишлоқда ўтказарди. Таътил кунларининг бирида қўшнилари уйидан ғайритабиий шовқинни эшитиб, ҳаммалари югуриб чиқишди. Кичкина Абдуғани ўт ўйнаб, куйиб қолибди. Оғриқдан чинқириб йиғлаётган болакайга Жаҳонгир биринчи ёрдам кўрсатди. Шифохонага етиб борганларида, иккинчи даражали куйиш деб ташхис қўйилди. Айрим сабабларга кўра даволаш уйда давом эттирилиб, бола асосан Жаҳонгирнинг назоратида бўлди.

Абдуғани тузалиб кетди. Эндиликда нафақат болакайнинг ота-онаси, балки бутун қишлоқ Жаҳонгирни доктор деб билади. Ҳамқишлоқлари ундан маслаҳатлар олиб туради. Бу воқеа Қуролли Кучларимиз ҳарбий шифокорлари сафи яна битта фидойи инсон ҳисобига кўпайганини билдиради.

Худди шу каби воқеа курсант Асомиддин Жалоловнинг ҳаётида ҳам бўлган. У Пахтаобод туманининг Истиқлол қишлоғидан. Таътил пайтида Мурод исмли болакайга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, ҳаётини сақлаб қолган. Бу иши билан қаҳрамонимиз ҳам талабалигиданоқ "дўхтир" сифатида қишлоқдошларининг ҳурматига сазовор бўлди. Асомиддин каби йигитлар миллий армиямизнинг албатта фахри бўла олади.

**Курсантларнинг янада ёрқин фазилатлари ҳақида узоқ гапиришимиз мумкин. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Ҳарбий-тиббиёт факультетининг илк қалдирғочлари – курсантлар тимсолида ҳарбий тиббиётнинг ёрқин истиқболи акс этмоқда.**

Инобат ИБРОҲИМОВА.

НОВОСТИ ● СОБЫТИЯ ● ФАКТЫ ● КОММЕНТАРИИ

# ЗА СЧАСТЛИВОЕ ДЕТСТВО

***В Самаркандской области особое внимание уделяется дальнейшему улучшению деятельности родильных комплексов.***



В результате осуществляемых в системе широкомасштабных мероприятий родильный комплекс № 2 в Самарканде, рассчитанный на 150 мест, был оснащен современным медицинским оборудованием в соответствии с программой "Здоровье-2". В кабинете интенсивной терапии отдела новорожденных установлены новые медицинские аппараты. Эффективная работа налажена и по иммунизации новорожденных против инфекционных заболеваний.

Созданные в комплексе современные условия имеют важное значение в правильной организации родов и подготовке к ним. Квалифицированными врачами особое внимание уделяется таким вопросам, как безопасное материнство и счастливое детство, репродуктивное здоровье, сохранение интервала между родами.

# АКЦЕНТ – НА ЧИСТЫЙ ВОЗДУХ

***В Ташкенте прошел семинар, посвященный вопросам управления химическими веществами.***

В мероприятии, организованном Государственным комитетом Узбекистана по охране природы совместно с Учебным и научно-исследовательским институтом ООН (ЮНИТАР), приняли участие специалисты министерств и ведомств, научно-исследовательских институтов, промышленных предприятий, представители международных организаций.

Как отмечалось, в нашей стране проводится большая работа по широкому внедрению механизмов чистого развития, экономичных технологий, снижению негативного воздействия на окружающую среду в процессе производства.

Химические вещества широко используются в промышленности и сельском хозяйстве. В этом направлении постоянное внимание уделяется соблюдению законодательных актов, принятых в сфере, предупреждению негативного воздействия на окружающую среду и здоровье человека в процессе производства, перевозке и обезвреживанию химических веществ.

Госкомприроды совместно с соответствующими организациями и промышленными предприятиями реализует ряд проектов, направленных на дальнейшее совершенствование управления химическими веществами, внедрение международных механизмов. В рамках проектов определены приоритетные задачи по рациональному управлению химическими веществами. В их числе – конкретные направления по координации межведомственного сотрудничества, совершенствованию системы обмена информацией и мониторинга.

На семинаре были обсуждены задачи по управлению химическими веществами и обеспечению экологической безопасности, вопросы внедрения эффективных механизмов организации работ в данном направлении.

(УзА).

# Цель – воспитание гармоничного поколения

В дошкольном образовательном учреждении № 8 города Нукуса проводится последовательная работа по воспитанию подрастающего поколения здоровыми и гармонично развитыми личностями.

Здесь 255 мальчиков и девочек воспитываются в соответствии с современными требованиями. Около двадцати опытных педагогов уделяют особое внимание развитию логического мышления и интеллектуальных способностей детей.

В данном учреждении регулярно проводятся различные культурные, духовно-просветительские мероприятия. Так, открытые уроки "Узбекистан – Родина моя", "Золотая осень", "Конституция – основа нашей счастливой жизни", смотр-конкурс "Я стану защитником Родины" служат раскрытию талантов и потенциала детей.

*Откровенный разговор*

# ВРАЧИ СВЯТО ЧТУТ КЛЯТВУ ГИППОКРАТА

## *Так считает хирург из Каракалпакии Базарбай Есболов.*

***С хирургом Базарбаем Есболовым я познакомился в неприятной для меня ситуации. В начале восьмидесятых годов у меня в области шеи образовалась опухоль величиной с куриное яйцо. Более шести лет я избегал встреч с врачом, живя со страхом и тревогой в душе. Так, конечно, нельзя поступать. Но, как говорится, наступил час икс. Однажды в издательство, где я тогда работал, по своим делам зашел Базарбай. Он пощупал опухоль и повез меня в свою поликлинику. Все разрешилось в течение получаса. К счастью для меня, опухоль оказалась доброкачественной. Я был безмерно благодарен ему. Больше наши пути не пересекались.***

Недавно, опять-таки случайно, я встретил Базарбая и спросил его, где он все это время пропадал. Он ответил, что лучше с врачами не встречаться. "По поводу", – добавил он с улыбкой. Пользуясь случаем, я попросил его рассказать о себе. Оказалось, он работал хирургом в республиканской больнице, а сегодня – в противотуберкулезном диспансере.

– Родился в 1949 году в Муйнакском районе, – начал свой рассказ Базарбай. – Седьмым ребенком в семье рыбака Есбола Жадыгерова. Моя мама, Гулзира Султамуратова, родила девятерых детей, из них остались мы – четверо сыновей.

Яркие картины моего детства – это палящее солнце, голубое небо и "золотой" песок. Мы со сверстниками целыми днями пропадали у моря, купались в его теплых водах.

Сначала жили в населенном пункте Кызылзар, а когда его затопило, переехали в поселок Шеге.

Отец работал в рыболовецкой артели, состоящей из двенадцати мотофелюг. Он был знатным рыбаком, про которого говорят, что "рыба сама идет к нему в сети". Отец был человеком рассудительным и трудолюбивым. Поэтому, видимо, у него было много правительственных наград – почетных грамот и медалей. Среди населения района даже бытовали такие топографические самоназвания, как Есболколь, Есболсалым, Есболайдын.

Отец был своего рода "стахановцем" в рыбном деле. Помню, в декабре 1964 года он выловил сто одиннадцать тонн рыбы. Было много шума, об этом писали все известные мне газеты. Естественно, нашлись и недоброжелатели, которые "накатали на него телегу" в высокие инстанции (шибко грамотные люди и тогда были!), мол, не сам он выловил богатую рыбу, а благодаря помощникам. Создали солидную комиссию, но отец с честью вышел из этой ситуации.

В марте 1969-го, когда я учился на третьем курсе мединститута, наша семья переехала в Нукус – в домик, расположенный возле сельхозтехникума. При нем был приусадебный участок в 25 соток, где мы посадили фруктовые деревья, а в огороде – зеленый лук и редиску. Сами ели и соседям раздавали.

Раньше в окрестностях Нукуса было много озер. В свободное время отец с друзьями часто ездил на рыбалку, но это было уже совсем другое занятие – любительский лов с удочками.

Отец умер в 1983 году. Вспомнил я про отца потому, что его жизнь является для меня примером и уроком. Он говорил мне, что главное в жизни – определиться с профессией, выбором занятия по душе. Только тогда, говорил он, ты найдешь свое место в жизни, обретешь душевное равновесие, а заработанный тобой хлеб будет сладок. Об этом же я говорю своим детям.

Десять классов я окончил в ауле. Учился хорошо, особенно легко мне давались точные дисциплины – алгебра, геометрия, тригонометрия. До сих пор помню, что "Пифагоровы штаны на все стороны равны". Сложно было с русским языком. По совету учительницы стал читать художественную литературу – "Судьбу человека", "Тихий Дон" Шолохова, новеллы Мопассана... Видите, какой разброс интересов в юношеской голове?! Кстати, любовь к чтению осталась у меня на всю жизнь. Недавно мне в руки попала книга Кыпшакбая Матмуратова "Тербенбес". Начал читать ее вечером и не заметил, как наступило утро. Настолько увлекательным был сюжет.

После окончания школы отец сказал мне, чтобы я пошел к нему на работу, стал рыбаком. Но я ответил, что буду врачом. Эта мысль давно не давала мне покоя. Помню, в 1964-ом, будучи еще школьником, я тяжело заболел. Меня повезли в Муйнакскую райбольницу, но там нужного специалиста не оказалось. Зима тогда была холодная, снежная. Меня самолетом доставили в Нукус. В республиканской больнице меня оперировал хирург высочайшей квалификации – Абдулла Маткаримович Худайбергенов. Я пошел на поправку. Видимо, этот случай сыграл в моей судьбе решающую роль и повлиял на выбор профессии.

На мандатной комиссии проректор Самаркандского медицинского института Уктам Каримовна Вахабова сказала, что я зачислен на педиатрический факультет со стипендией.

Шесть лет пролетели как один день. Теоретические знания мы подкрепляли на практике – в больницах и поликлиниках: помогали врачам ухаживать за больными, присутствовали на операциях, которые проводили ведущие хирурги Узбекистана.

Каждый врач, начиная свой профессиональный путь, непременно вспоминает Гиппократа. Когда он получает диплом, то произносит клятву, освященную его именем.

Для известного врача древности Гиппократа особое значение имела методика лечения. Она предполагала союз врача и больного. Главное, по его мнению, заключалось в том, чтобы человек сам захотел выздороветь, а врач должен всемерно помогать ему.



Мудрый основоположник медицины оставил следующий завет своим потомкам – ни при каких обстоятельствах врач не должен навредить больному. И поверьте мне, человеку, более сорока лет проработавшему в профессии, что все без исключения врачи свято чтут этот завет.

Я многому научился у старшего поколения хирургов, передал свой опыт молодым коллегам. Прошел непростой путь от участкового врача до хирурга, сделал тысячи операций. Принимал участие в международных симпозиумах и конгрессах, стажировался в лучших клиниках страны и за рубежом...

Жизнь продолжается. Начинается новый день, и я снова иду к своим пациентам, которые ждут моей помощи.

Что я скажу, когда предстану перед Всевышним? Я попрошу у него прощения...

**Беседовал К. ЕСЕМУРАТОВ.**

*Тиббий кўрик*

# САЛОМАТЛИК – ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

## *дейди пойтахтимиздаги "10-автобус саройи" акциядорик жамияти шифокори Гулчеҳра Орипова.*

***Халқимизда "Соғлом танда – соғ ақл" деган нақл бор. Демак, ҳар бир инсон ўз ҳаётида соғлом турмуш тарзини ярата билиши муҳим аҳамиятга эгадир. Эрта тонгдан кимдир ишга, яна кимдир ўқишга шошилади. Албатта, манзилимизга тез ва қулай етиб боришимизда жамоат транспорти воситалари муҳим ўрин тутади. Дейиш мумкинки, турли автоуловларни бошқараётган ҳайдовчилар саломатлиги ҳам олдимизга қўйган режаларимизни кўнгилдагидек бажаришимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.***

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси таркибидаги автокорхоналарда фаолият юритаётган ҳар бир ҳайдовчи ва чиптачи ўз йўналиши бўйлаб вазифасига киришишдан аввал албатта тиббий кўрикдан ўтиши шу боисдандир. Йўловчи соғлиги ва хавфсизлигини таъминлашда тиббий кўрикнинг моҳияти, шубҳасиз, муҳим ҳисобланади. Бу тадбирга нафақат автокорхона вакиллари, балки бу ерда тиббий муолажа ишларини олиб бораётган шифокорлар ҳам жавобгардир.

"Тошавтобустранс" АК тузилмаларида бу борадаги фаолият қандай олиб борилаётгани билан танишиш мақсадида 10-автобус саройига ташриф буюрдик. Автокорхонага борганимизда, куннинг биринчи ярми бўлганлиги боис тиббий текширув хонасида иш қизғин тус олган экан. Муолажа хонасида тажрибали шифокорлар Гулчеҳра Орипова ва Гулноза Усмонова ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказаётганига гувоҳ бўлдик.

– Ҳар тонгда юздан ортиқ ҳайдовчи ва чиптачиларни кўрикдан ўтказамиз, – дейди Гулчеҳра Орипова. – Бундан ташқари, ишчи-ходимларга, жоиз бўлса, биринчи тиббий муолажалар ҳам кўрсатилади. Асосий мақсадимиз йўловчилар хавфсизлигини таъминлашдир. Чунки ҳайдовчи доимо соғлом ва тетик бўлиши шарт. Биз ҳар куни текшириш жараёнида ҳайдовчи спиртли ичимлик истеъмол қилмаганми, соғлиги автоуловни бошқаришга кафолат берадими, йўловчилар хавфсизлигини таъминлай оладими деган саволларга тўлиқ жавоб олганимиздан кейингина ҳайдашга рухсат берамиз. Қолаверса, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор мавсумий ишлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, мавсумга қараб, ҳар бир йўналиш ҳайдовчиси ва чиптачисидан тортиб, корхона ишчи-ходимларигача махсус ҳимоя ниқоблари билан таъминланди. Айни кунларда грипп касаллигига қарши муолажа жараёнлари давом этмоқда.

Дарҳақиқат, автокорхона ходимларида бирор касаллик аломати аниқлангудек бўлса, дарров биринчи ёрдам кўрсатилади, сўнгра 3-шаҳар клиник шифохонасига йўлланма асосида юборилади. Гулчеҳра Орипова уч йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қилмоқда. Автокорхона ишчи-ходимларининг овқатланиш ва ювиниш хоналари ҳам тўлалигича санитар-гигеник талабларга жавоб беради. Тиббий шохобча мутахассислари фикри билан айтганда, айрим касалликлар келиб чиқишига озиқ-овқат сифати ҳам сабаб бўлади. Шу боис автокорхонадаги умумий овқатланиш хонаси ҳамда маҳсулотлар мунтазам равишда текшириб борилади.

– Автокорхона барча тиббиёт анжомлари билан таъминланган, дори-дармон ҳам етарли. Тиббий муолажалар учун доимий равишда ўттиздан зиёд турдаги зарур дармон воситалари келтирилади, – деди суҳбатимизга қўшилиб шифокор-нарколог Гулноза Усмонова. – Йўловчилар хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, автобус салонларини тоза ва озода сақлаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида "Asipekt servis lyuks" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузилиб, бир неча турдаги дезинфекция воситалари харид қилинди. Шуни ҳам қўшимча қилмоқчиманки, корхонада фаолият юритаётган ёш оилалар аъзолари ҳамда хотин-қизлар ҳам тиббий кўрикдан ўтказилади. Бизнинг иш кунимиз эса эрта тонг 4.00 дан бошланиб, куннинг иккинчи ярмигача давом этади.

10-автобус саройи тиббий хизмат шохобчасида ҳақиқатан ҳам барча шароитлар яратилганлигига гувоҳ бўлдик. Хоналарнинг тоза ва озодалиги киши баҳридилини очади. Автокорхона агрегат цехи катта устаси Тошпўлат Шамсиддинов, 24-йўналиш ҳайдовчиси Ихтиёр Собитов ҳам шифокорлар хизматидан миннатдор бўлиб, бу соҳада ўз касбининг фидойилари ишлаётганлиги эътироф этишди.

**Миржамол ҲОТАМОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти.**

*Благодарность*

# Спасибо за заботу и внимание

Дорогие целители здоровья – медсестры, нянечки, доктора. Поздравляем всех вас с Новым годом. Искренние слова признательности за ваш бесценный труд во благо нашего благополучия мы решили выразить стихами:

**Творите славные дела.**
**Цените добрые слова.**
**И пусть всегда**
**О вас идет хорошая молва.**

**Желаем всем солнца**
**щедрого сиянья,**
**Мира, добра, взаимопонимания.**
**Нашим городам, кишлакам**
**и аулам –**
**Благополучия и процветания.**

**Николай ЗИНЧЕНКО,**
**г. Ташкент.**

* * *

Жительница столицы Зоя Мозгачева выражает большую признательность специалистам Республиканского специализированного центра микрохирургии глаза за особое внимание к пациентам. В частности, как пишет наша читательница, золотые руки врача Вахида Розикулова вернули ей способность видеть мир в ярких красках, без очков, и снова вернуться к работе, которую пришлось оставить по болезни. Всему коллективу центра З. Мозгачева желает дальнейших творческих поисков и успехов.

Соғлом турмуш тарзи

# ГЕЛЬМИНТОЗДАН САҚЛАНИШ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

***Гельминтозлар жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. Одам гельминтларининг 260, қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар гельминтларининг ҳам кўпгина турлари маълум. Одам ҳамда ҳайвон тўқималари ва органлари ҳисобига яшовчи чувалчанглар гельминт (гижжа) деб аталади. Шу гижжалар қўзғатган касалликлар – гельминтозлар дейилади.***

Гижжалар юмалоқ, сўрувчи ва тасмасимон бўлади. Тана узунлиги микроскопик катталикдан то ўн ва ундан ҳам ортиқ метргача етиши мумкин. Ҳар бир гижжа тури одам ва ҳайвонларнинг аниқ тўқималари ҳамда органларида яшайди. Айримлари ичакда, бошқалари – жигарда, гўшт тўқималарида ва ҳоказо. Гельминтлар одам ва ҳайвонларнинг барча орган ва тўқималарини зарарлантириши мумкин. Кўпгина ҳайвон гижжалари одамни ҳам зарарлантириш имкониятига эга.

Республикамиз ҳудудларида кўпинча энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, трихоцефалёз, тениаринхоз, эхинококкоз каби одам гельминтозлари учрайди.

Гижжа касалликларининг олдини олишда аҳоли фаол иштирок этиши лозим. Бу борадаги чоралар содда ва оммабоп. Яшаш жойлари тозалиги, керакли даражада санитария ҳолати таъминланганлиги, аҳолининг гельминтозлар бўйича саводхонлиги ҳал килувчи аҳамиятга эга.

Гельминтозлар профилактикасида шахсий гигиенага риоя қилиш муҳимдир. Тирноқларни калта қилиб олиш зарур. Овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин, тупроқ билан ишлагандан сўнг қўлни совун билан астойдил ювиш шарт. Полизда, боғда ишлаш вақтида ҳар хил нарсаларни оғизга солишдан сақланиш керак.

Ташқи муҳит гижжа тухумлари билан ифлосланишига йўл қўймаслик гельминтозлар профилактикасида энг асосий чора ҳисобланади. Ҳар бир ҳовли, дала шийпони, чорва хўжаликлари, барча оммавий жойларда санитария талабига жавоб берувчи ҳожатхона бўлиши керак. Томорқаларни зарарсизлантирилмаган органик чиқиндилар (нажас) билан озиқлантириш асло мумкин эмас. Ер усти ва ости сув манбаларини гижжа тухумлари билан ифлосланишидан сақлаш учун ичимлик суви иншоотларини молхона атрофида қуриш, очиқ сув ҳавзалари яқинига ҳожатхона жойлаштириш қатъиян ман қилинади.

Уй ҳамда мактабгача таълим муассасасида болаларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюм ва ўйинчоқларнинг тоза сақланишига доимо эътибор қилиш зарур. Болалар туваги, стуллар, ўйинчоқлар, ҳожатхона эшиги ва поли ҳар куни зарарсизлантирувчи моддалар суюқлиги ёки қайноқ сув билан ювилиши керак. Хоналарни тозалаш, ҳовлини сув сепиб супуриб туриш зарур, чунки гижжа тухумлари чанг билан бирга оғиз ва нафас олиш йўлларига тушиши мумкин.

Очиқ ҳавзалар сувини фақат қайнатиб ичиш зарур. Кўпинча мева ва сабзавотлар тупроқ билан ифлосланади, шунинг учун истеъмол қилишдан олдин уларни тоза сувда ювиб, кейин устидан қайноқ сув қуйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тениаринхоздан сақланиш учун ҳар доим фақат яхши пиширилган ва қовурилган гўштни истеъмол қилиш керак. Молхона, ем-хашак турадиган, суғориладиган жойлар озода тутилиб, чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслик лозим. Ферма ходимлари ҳар йили лаборатория текширувларидан ўтиб туриши, касаллик аниқланса, даволаниши шарт. Сўйилган мол гўшти финнозга текширилиши зарур. Финнозли гўшт зарарсизлантирилиши ёки ёқилиши керак.

Эхинококкоз профилактикасида умумий шахсий гигиена қоидаларидан ташқари, итларга эҳтиёткор бўлиш зарур. Болалар ит билан ўйнаши ёки бирга ухлаши, озиқ-овқатга яқинлашишига йўл қўймаслик, шунингдек ҳар қандай мулоқотдан кейин қўлни совун билан ювиш керак. Зотли, хизматдаги итларни эхинококкоздан мунтазам равишда профилактик даволашдан ўтказиб туриш тавсия этилади. Итларга эхинококк пуфакчаси билан зарарланган мол органларини едириш қатъиян ман этилади. Ҳамма эхинококк билан зарарланган органлар ёқиб ташланади.

Гельминтозларга қарши курашда энг зарурий чора – бу беморларни эрта, ўз вақтида аниқлаш ва уларни даволашдан иборат. Шунинг учун ўзида гижжа касаллиги бор деб шубҳа қилган киши шифокорга мурожаат этиши керак. Аниқ ташхисни фақат лаборатория текширувидан ўтгандан кейин қўйиш мумкин. Ҳозирги кунда гижжаларга қарши сифатли дори-дармонлар бор. Эхинококкозни даволашда энг самарали усул жарроҳлик йўли билан эхинококк пуфагини олиб ташлашдир.

Бемор қачонки шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиб даволанса, гижжа касалликлари асоратларининг олдини олиш имкониятига эга бўлади.

**Шу ўринда мамлакатимизда ушбу касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хайрихоҳлигида “Гижжадан холис бўлган болалар” халқаро дастури доирасида оммавий дегельминтизация тадбирлари ўтказиб келинади.**

**Жумладан, ўтган йилнинг 30 апрель – 5 май кунлари бўлиб ўтган ушбу мавзудаги хайрия акциясига уч юз минг мактаб ўқувчиси қамраб олинди. Ушбу тадбирни фаоллик билан ўтказиш мақсадида тиббиёт ва халқ таълими ходимлари жалб қилинди. Болажонлар ва ота-оналарга гельминтоз касалликлари профилактикаси бўйича босма материаллар тарқатилди.**

**22-26 май кунлари Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ўтказилган дегельминтизация самарадорлиги назорати бўйича ушбу ҳудудларда гельминтоз билан зарарланиш кўрсаткичлари 3,6 бароборга камайгани кузатилди.**

**3-8 декабрь кунлари республикамиз бўйича 7-11 ёшгача бўлган мактаб болалари ўртасида оммавий соғломлаштириш тадбири ўтказилди.**

**ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан ташкил этилган “Гигиенада чемпионлик ташаббуси” лойиҳаси доирасида Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида мактаб ўқувчиларини гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш бўйича директор ва ўқитувчилар учун тренинглар ташкил этилди.**

**Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 9 августдаги 229-сонли “Ўзбекистон Республикасида аҳолининг болалар қатлами ўртасида гельминтозларга қарши кураш бўйича стратегик дастури тўғрисида”ги буйруғида белгиланган тегишли вазифа ва чора-тадбирлар амалиётда изчил татбиқ этиб келинмоқда.**

**Искандар ЙЎЛДОШҲОЖИЕВ,**
**Республика ДСЭНМ паразитология бўлими мутахассиси.**

Актуальная тема

***С момента обнаружения заболевания ВИЧ в мире зарегистрировано более 33 миллионов случаев заражения этой инфекцией, а свыше 25 миллионов человек умерло от СПИДа. Ежегодное число новых случаев ВИЧ-инфекции составляет 2,7 миллиона. Сегодня общеизвестно, что ВИЧ – это вирус иммунодефицита человека, который поражает иммунную систему человека, защищающую организм от различных инфекций. Соответственно зараженный ВИЧ-инфекцией организм теряет способность противостоять различным микробам и опухолевым заболеваниям.***

# ВИЧ-ИНФЕКЦИЯ: ПРОФИЛАКТИКА И ЛЕЧЕНИЕ

ВИЧ-инфекция относится к медленным вирусным инфекциям, постепенно приводит к заболеванию, которое называется СПИДом. Период от момента инфицирования до проявления специфических клинических симптомов может длиться несколько лет (в среднем 6-10 лет). Со временем иммунная система ослабевает, и человек становится уязвимым к определенным заболеваниям, таким, как, например, туберкулез, пневмоцистная пневмония, токсоплазмоз, герпес.

Возбудитель ВИЧ-инфекции – вирус иммунодефицита человека принадлежит к подсемейству лентивирусов семейства ретровирусов. Выделяют два типа вируса – ВИЧ-1 и ВИЧ-2, которые, в свою очередь, подразделяются на субтипы.

ВИЧ-инфекция распространена широко и может встречаться повсеместно. Основными факторами риска заражения считаются половые контакты с больными ВИЧ-инфекцией, внутривенное употребление психоактивных веществ, использование нестерильного медицинского и немедицинского инструментария. Как показывают наблюдения, эта инфекция поражает преимущественно лиц молодого возраста.

Источником инфекции является зараженный человек во всех стадиях заболевания. Передача ВИЧ происходит также через кровь, от инфицированной матери ребенку во время беременности, родов и грудного вскармливания.

ВИЧ не передается бытовым путем (через общую посуду, полотенце, постельное белье). По внешнему виду невозможно определить, заражен человек инфекцией или нет. Значит, можно получить или передать ВИЧ, даже не подозревая и не зная об этом.

Болезнь циркулирует во внутренних жидкостях организма инфицированного человека в виде вирусной частицы – вириона. Инкубационный период инфекции (период от момента заражения до появления клинических проявлений болезни) продолжается от двух недель до шести и более месяцев. У 50-70 процентов пациентов после заражения наступает длящийся от нескольких дней до двух месяцев период «острой инфекции». Обычно он проявляется лихорадкой, увеличением лимфатических узлов, стоматитом, пятнистой сыпью, фарингитом, диареей, увеличением селезенки, иногда явлениями энцефалита. Ранние клинические проявления, за исключением увеличения лимфатических узлов, проходят. Затем в течение нескольких лет у зараженных лиц не наблюдаются другие клинические признаки инфекции. Однако в этот период ВИЧ продолжает размножаться и происходит медленное снижение количества CD4-клеток. Когда защитные силы организма достаточно ослабевают, у пациента начинают возникать разнообразные оппортунистические заболевания, тяжесть которых в дальнейшем нарастает по мере снижения количества CD4-клеток.

Диагностика ВИЧ-инфекции осуществляется путем комплексной оценки эпидемиологических данных, результатов клинического обследования и лабораторных исследований.

В настоящее время стандартной процедурой лабораторного подтверждения диагноза инфекции является обнаружение антител к ВИЧ в реакции ИФА с последующим подтверждением их специфичности в реакции иммунного блоттинга. В 90-95 процентах случаев заражения антитела к ВИЧ появляются в течение трех месяцев после инфицирования, у пяти-девяти процентов – в период от трех до шести месяцев после заражения, а у 0,5-1 процента – в более поздние сроки (до одного года). Наиболее ранний срок обнаружения антител – две недели от момента заражения. В крови детей, рожденных от ВИЧ-инфицированных женщин, до конца первого года жизни присутствуют материнские антитела, поэтому обнаружение антител к ВИЧ в крови этого ребенка не может служить подтверждением его инфицирования.

В ряде случаев дополнительно применяются более сложные методики. Медицинская помощь заболевшим требует существенных затрат на диагностику и лечение. Лечение осуществляется АРВ-препаратами, но все равно конечная результативность не достигается. Поэтому наиболее существенными элементами противодействия эпидемии являются профилактические и противоэпидемические мероприятия.

Единственный способ узнать о наличии инфекции в организме – это тестирование на ВИЧ, которое показывает наличие соответствующих антител. Для анализа необходимо сдать кровь в Центре СПИД или другом медицинском учреждении на бесплатной основе. На анализ берется небольшое количество крови из вены. По желанию пациента, обследование может быть проведено при наличии паспорта или анонимно.

**Л. МИНЕЙЧЕВА,**
**врач кабинета анонимного обследования Ташкентского городского центра по борьбе со СПИДом.**

*(Статья подготовлена при финансовой поддержке Общественного фонда поддержки ННО и других институтов гражданского общества).*

***Ҳурматли муштарийлар!***
***Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt. uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.***

Танловлар

# «ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНЛАРИ» АНИҚЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган "Парламентаризм билимдони" он-лайн танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***



Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда БМТ Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ташкилотчилар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси расмий веб-сайтида биринчи маротаба ўтказилган он-лайн танлов ўтган йил март ойидан 1 декабрга қадар давом этди. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида конституциявий ғоялар, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, мамлакатимиз парламенти фаолияти ҳақида ҳаққоний ва тўликроқ ахборот олишга кўмаклашишдан иборатдир.

"Парламентаризм билимдони" танлови бўйича берилган саволлар асосан Бош Қомусимизни ўрганиш, қонун ижодкорлиги ва парламент фаолиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган. Жумладан, саволларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари моддалари, шунингдек мамлакатимиз сайлов тизими, парламент ва депутатлар бирлашмалари фаолияти, парламент назорати каби масалалар ўз аксини топган.

Танлов очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этилди. Уни ўтказиш ва балларни ҳисоблаб чиқиш жараёнлари тўлиқ компьютерлаштирилди. 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни ягона мақсад сари бирлаштира олган ушбу танловда республикамизнинг барча ҳудудларидан уч мингдан зиёд йигит-қизлар иштирок этди.

Танлов ғолиблари тантанали равишда тақдирланди. Биринчи ўрин соҳиби Рустам Саидовга – ноутбук, иккинчи ўринга сазовор бўлган Рустам Қобуловга айфон, 3-ўрин совриндори Констанция Тютюникка букридер тақдим этилди. Бундан ташқари, юқори балл тўплаган ёшларга ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар ва дипломлар топширилди.

Тантанали маросим доирасида танлов иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

# «БУ ЗАМИН – МЕНИНГ ВАТАНИМ»

***Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан "Экосан" халқаро жамоат фонди, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Бу замин – менинг Ватаним" мавзусидаги танловнинг якуний босқичи ўтказилди.***

Тадбир бошида танлов мақсад ва вазифаларига яна бир бор тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, ижодий ишларда Ўзбекистоннинг қадимий бой тарихи, урф-одатлари, буюк сиймолар ва замонамиз қаҳрамонлари, юртимизнинг гўзал ва бетакрор табиати, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар акс эттирилиши вазифа сифатида белгиланган бўлса, бундан кўзланган асосий мақсад – тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишларидаги бадиий савияси юқори бўлган асарлар ёрдамида талаба-ёшларнинг қалби ва онгига Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, аждодлар меросига бўлган ҳурматни ошириш, қадриятларимизга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришдир.

Маълум қилинганидек, танловга тақдим этилган асарлар бадиий жиҳатдан юксак даражада бажарилган, реалистик мактаб анъаналарига ҳам риоя этилган.

– Ватанга бўлган муҳаббат инсон учун берилажак буюк неъматлардан бири. Ўзбекистон – муқаддас диёр, демак, сизу бизнинг тақдиримиздир. Барчамиз ўз тақдиримизни ана шу йўлда яратамиз, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Исмоил Саифназаров. – Бугун Ватанимизнинг ҳар бир асл фарзанди ўзини она заминнинг ажралмас бўлаги деб ҳис этиб, Ватан туйғуси ила яшамоқда. Бунга Юртбошимизнинг 2013 йилни Обод турмуш йили деб эълон қилгани ёрқин мисолдир. Зеро Ватан туйғусини, унинг юксак шукуҳи, шукронасини жону дилдан севиб, ардоқлаб, ўз қалб тубига жойламоқ – имондан нишонадир. Талаба-ёшларнинг кўргазма орқали соғлом турмуш тарзи, қишлоқлардаги фаровон ҳаёт акс эттирилган ижод намуналари, шунингдек танлов натижалари бунга яққол мисолдир.



"Бу замин – менинг Ватаним" танловида бош мукофотга Зафар Қодиров сазовор бўлди. Фахрий ўринларга Шаҳобиддин Раимов, Тимур Шардиметов, Беҳзод Турдиев, Зарнигор Ашурова, Беҳзод Худойбердиев, Олим Муҳамадалиев, Муҳамадали Раҳимов, Ҳабибулло Хусанов, Рашид Алибоев, Зарифа Ҳошимовалар лойиқ деб топилди. Бир гуруҳ ижодкор ёшларга рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилди.

# ИЖОДКОР ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Республика дизайн касб-ҳунар коллежида ўқувчилар ўртасида фотосуратлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

Халқ таълими вазирлиги, "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази, "Экосан" халқаро жамоат фонди, Республика маънавият-тарғибот маркази ва "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар марказлари қошидаги "Ёш фотоҳаваскор" тўгараклари аъзолари қатнашди.

Танловнинг якуний босқичида ҳар бир минтақа вакилининг ижодий ишлари кўргазмаси намойиш этилди. "Баркамол авлод" республика болалар техник- ижодиёт маркази раҳбари Ҳ. Зокирова тадбирни очар экан, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук бўлиб шаклланиши, унинг қизиқиши ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, қобилиятини ривожлантириш мақсадида кўплаб танлов ва фестиваллар ташкил этилаётганини таъкидлаб ўтди.

Ёш фотосуратчилар танловининг республика босқичида 40 нафар ғолиб ижод намуналарини намойиш этиб, мавзу бўйича тайёрлаган рефератларини ҳайъат аъзолари ҳузурида ҳимоя қилди, шунингдек ҳар бир иштирокчи кўшимча шарт бўйича беш дақиқада бирор манзарани суратга олиб, унинг мавзу-моҳиятини изоҳлаб берди.

Танловда Муҳаммадсодиқ Одинаев (Бухоро вилояти), Гулсавур Бозорбоева (Қорақалпоғистон Республикаси) ва Эъзоза Турдиева (Навоий вилояти)лар "Баркамол авлод – келажак пойдевори", "Мустаҳкам оила – юрт таянчи", эркин мавзулар бўйича номинацияларда ғолиб деб топилди.

"Истеъдод соҳиби", "Энг фаол фотосураткаш", "Энг зукко қатнашчи", "Энг ташаббускор қатнашчи", "Энг ёш фотосураткаш" йўналишлари бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, ҳар бири ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Жойларда кўрик-танловни ташкиллаштириш ва ўтказишда фаоллик кўрсатган Бухоро, Фарғона, Жиззах вилоятлари жамоалари махсус дипломга сазовор бўлди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**"Экосан" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи.**

Давра суҳбати

# ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ МЕЗОНИ

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Таъкидлаш муҳимки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ташкил этиш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бундай ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан янада қўллаб-қувватлашни кучайтириш муҳим вазифалардан биридир. Ўтган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатиши учун мукаммал ҳуқуқий база яратилганлиги ҳам эътироф этилди.

Маърузачилар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда кўплаб қонуности ҳужжатлар ижроси бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб ўтишди.

Тадбирда шунингдек айрим жамоат ташкилотларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ билмаслик ҳолатлари учраётганлиги ҳам тилга олинди. Шу ўринда мутахассислар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиши юзасидан атрофлича ҳуқуқий тушунтиришлар бериб ўтилди.

**Ибодат СОАТОВА.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128


Волшебница-зима снежным покрывалом все одела.

Полезные советы

# Грипп, простуда

***Недавно были выявлены неизвестные до этого свойства чайного напитка. По мнению специалистов, чай способен обеспечить защиту от простуды и гриппа, а при заболевании облегчить течение болезни. Чай содержит катехины – вещества, которые благотворно влияют на защитную функцию организма (к слову, японцы в период эпидемии гриппа используют специальные защитные маски для лица, ткань которых пропитана катехинами). Медики рекомендуют выпивать в течение дня не менее двух чашек чая. Нужно учесть, что не каждый сорт чая содержит эти вещества. Например, в каркаде или травяном чае катехинов нет. А черные и зеленые сорта чая являются оптимальными для защиты нашего организма от болезней.***

**Два рецепта чая от гриппа и простуды**

● Ополоснуть чайник кипятком, положить в него 1 ч. ложку чая и щепотку черного перца, залить стаканом кипятка, дать настояться. Пить 2-3 раза в день и на ночь.

● Взять по 1 ст. ложке черного или зеленого чая, цветков липы и ягод калины, залить (можно в термосе) 0,5 л кипятка, настаивать 5-7 часов. Пить 1-2 чашки в горячем виде на ночь при гриппе и ОРЗ, лучше с медом.

**Гайморит, насморк**

Несколько раз в день готовить свежий раствор сока алоэ и меда в пропорции 1:1, закапывать по 2-3 капли в каждую ноздрю, после чего помассировать крылья носа.

**Цистит**

Смешать по одной весовой части сухих цветков липы, измельченной коры дуба и листья толокнянки. 1 ч. ложку сбора залить стаканом горячей воды, кипятить 15 минут на водяной бане, затем снять с огня, настаивать 30 минут, процедить. Принимать по стакану теплого отвара вечером. Курс – 10-12 дней. Даже если все симптомы цистита быстро исчезнут, что обычно происходит уже на третий день приема отвара, нужно довести курс до конца, иначе болезнь утихнет лишь на время.

**Остеохондроз, боль в позвоночнике**

В практике народной медицины существует домашний способ снятия боли при остехондрозе.

Натереть на терке сырой картофель, смешать его пополам с медом и сделать из этой смеси компресс на больное место. Держать до ощущения легкого жжения. Медово-картофельный компресс обладает согревающим, обезболивающим эффектом. Если болит позвоночник, накладывать компресс нужно вдоль него.

**Трещины на ступнях**

Еще один проверенный веками рецепт, на сей раз из практики индийских йогов. Перед сном взять 2 ст. ложки оливкового масла, 1 ст. ложку уксусной эссенции, смешать, добавить сырое яйцо. Полученную кремообразную смесь нанести на предварительно распаренные в горячей воде ступни, надеть носки из натуральной ткани. Утром ноги ополоснуть чистой водой. Если останется не очень приятный запах, которым обладает смесь, наносимая на ступни, то его при желании можно нейтрализовать несколькими каплями любого ароматического масла с ярко выраженным приятным запахом, нанесенными на кожу ступней. Курс – 10 дней. Ступни, утверждается, будут как у младенца.

**Заболевания суставов**

В меру горячую вареную и размятую репу прикладывайте в виде компресса к болезненным суставам рук и ног, а также к местам ушибов. Так поступали еще в Древней Руси.

**Варикозное расширение вен**

Значительно облегчить состояние при этом заболевании можно с помощью таких процедур.

● Чтобы уменьшить застой крови в ногах при сидячей работе, катайте поочередно стопами одной и другой ноги теннисный мячик; сгибайте и разгибайте ноги в голеностопных суставах.

● Принимайте курсами растительные средства, которые способствуют повышению тонуса вен (настои листьев брусники, зверобоя, черной смородины).

● После теплой ванны или душа ополаскивайте ноги прохладной водой. Избегайте при этом резкого перепада температур.

**Подготовила Нигора ИБРАГИМОВА.**

Знаете ли вы?

# А у них...

***Простуда и простудные заболевания прослеживаются в подавляющей части стран мира и протекают у всех одинаково. Но справляется с ними каждый народ по-своему. Вероятно, что-то можно использовать и нашим читателям.***

Напиток Гиппократа не раз выручал в холода древних эллинов, обутых в легкие сандалии. Промочив ноги, они заливали 2 ломтика апельсина или лимона двумя стаканами красного вина, добавляли чайную ложку меда, 2 палочки гвоздики и щепотку корицы, доводили снадобье до кипения и на ночь маленькими глотками выпивали горячим.

* * *

Иноки, удалившиеся от мира на Афон, спасаются от простуды особой монастырской микстурой из меда и церковного вина – кагора. И то и другое выдают монахам осенью, чтобы заранее приготовили лекарство. Еще один компонент растет в каждой келье – это алоэ. Для медицинских целей годятся растения, которым не менее 3-5 лет. Для приготовления лекарства несколько дней не поливают алоэ, затем срезают нижние, самые широкие листья, промывают их, отжимают сок, смешивают его с медом и кагором (можно взять вместо него любое красное вино) в соотношении 1:2:3. Ставят смесь в холодильник на 3-4 суток. Принимают по 1 ст. ложке 3 раза в день за 30 минут до еды.

* * *

Загрипповавший британец действует по пословице "Яблоко в день – и доктор не понадобится". Правда, одного яблока маловато, надо съесть не менее пяти «антоновок» в день (кислые сорта предпочтительнее – в них больше витамина С). Следует налегать и на мандарины, апельсины, грейпфруты, лимоны, в которых содержится ударная доза "живой" аскорбиновой кислоты, защищающей от простуды, а также есть вещества, способствующие ее скорейшему усвоению, и отсутствует фермент, который разрушает целебную аскорбинку. 3-4 стакана свежеотжатого цитрусового сока, выпитого в течение дня, быстро приводит в норму.

* * *

Почувствовав приближение простуды, в Корее заваривают иммуностимулирующий чай с имбирем. Благодаря десяти противовирусным компонентам имбирный корень препятствует проникновению инфекции в организм. Для одной большой чашки имбирного напитка понадобятся 4 горошины черного перца, 4 штучки кардамона, 3 гвоздички, имбирь и корица по вкусу. Измельчить пряности в ступке или кофемолке. Налить в эмалированную кастрюлю 200 мл чуть теплой воды, положить специи, довести до кипения и варить на слабом огне 20 минут. В конце добавить щепотку черного чая, немного молока и чайную ложку меда.

* * *

Французы, когда здоровы, пьют вино, а простудившись, переходят на минеральную воду. Они считают, что инфекцию надо в буквальном смысле "вымыть" из организма. Дело в том, что воспалительный процесс способствует закислению внутренней среды, и нейтрализовать этот эффект поможет минералка без газа из щелочных источников.

* * *

При простуде израильтяне пьют горячий куриный бульон. Благодаря содержащейся в нем аминокислоте – чистеину – он уменьшает выделение слизи, а пар увлажняет полость носа, снимает отечность слизистой оболочки и заложенность придаточных пазух. Однако результаты последних исследований свидетельствуют, что куриный суп исцеляет от простуды в три раза эффективнее бульона, поскольку обогащен витаминами и минеральными солями целебных овощей (картофеля, лука, моркови), действующими как мощный противовирусный комплекс.

* * *

Опробованные средства лечения у русских – лук, чеснок, отвар липового цвета и малины, горячее молоко с медом... И, конечно, горячая парная баня. Только хорошо бы помнить, что в парную надо идти при первых признаках простуды, а не тогда, когда болезнь валит с ног.

**Подготовила Л. ВОЛОШИНА.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти собиқ ходими

**Кудрат БОЛТАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан выражает искренние соболезнования заслуженному работнику здравоохранения Савельевой Ирине Алексеевне по поводу кончины мужа

**САВЕЛЬЕВА Владимира Викторовича.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 9048 нусха.
Буюртма Г-145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.